

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ХОЛИҚОВА ДИЛДОРА БОХОДИР ҚИЗИ**

**КРОТАЛАРИЯ (*CROTALARIA JUNCEA L.*) НИНГ ЎСИШИ,  
РИВОЖЛАНИШИ, ДОН ҲОСИЛИ ВА СИФАТИГА КЎЧАТ  
ҚАЛИНЛИГИ ҲАМДА МАЪДАН ЎҒИТ МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ**

**06.01.08-Ўсимликшунослик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ  
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2025**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on agricultural sciences**

**Холикова Дилдора Боходир қизи**

Кроталария (*Crotalaria juncea* L.) нинг ўсиши, ривожланиши, дон ҳосили  
ва сифатига кўчат қалинлиги ҳамда маъдан ўғит меъёrlарининг  
таъсири..... 3

**Халикова Дилдора Баходир кизи**

Влияние норм минеральных удобрений, густоты стояния на рост,  
развитие, урожай и качество зерна кроталлярии (*crotalaria juncea* l.)..... 21

**Khalikova Dildora Boxodir kizi**

The influence of plant density and mineral fertilizer rates on the growth,  
development, grain yield and quality of *Crotalaria juncea* L.)..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ХОЛИҚОВА ДИЛДОРА БОХОДИР ҚИЗИ**

**КРОТАЛАРИЯ (*CROTALARIA JUNCEA L.*) НИНГ ЎСИШИ,  
РИВОЖЛАНИШИ, ДОН ҲОСИЛИ ВА СИФАТИГА КЎЧАТ  
ҚАЛИНЛИГИ ҲАМДА МАЪДАН ЎҒИТ МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАҶСИРИ**

**06.01.08-Ўсимликшунослик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ  
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2025**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.1.PhD/Qx1071 раками билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация иши Пахта селекцияси, уруғчилиги ва стиштириш агротехнологиялари илмий-тадқикот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.psuyaiti.uz](http://www.psuyaiti.uz)) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Негматова Сурайё Тешаевна  
кишлек хўжалиги фанлари доктори,  
профессор

Расмий оппонентлар:

Остонақулов Тоштемир Эшимович  
кишлек хўжалиги фанлари доктори,  
профессор

Етакчи ташкилот:

Иминов Абдували Абдуманибович  
кишлек хўжалиги фанлари доктори, профессор

Ўсимликлар генетик ресурслари  
илмий-тадқикот институти

Диссертация химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва стиштириш агротехнологиялари илмий-тадқикот институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 раками илмий кенгашнинг «28 » 08 2025 йил соат 13<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Кибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: [paxtauz@mail.ru](mailto:paxtauz@mail.ru)

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва стиштириш агротехнологиялари илмий-тадқикот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 199 -ракам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Кибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2025 йил «15 » 08 да тарқатилди.  
(2025 йил «15 » 08 даги 1 раками реестр баённомаси).



Ш.Н.Нурматов  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

Ф.М.Хасанова  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н.,  
профессор

Ж.Х.Ахмедов  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
ранси, б.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги кунда дунё бўйича кроталария туркум ўсимликларини 700 дан ортиқ тури мавжуд бўлиб, асосан тропик ҳудудлар Ҳиндистон, Бангладеш, Шри-Ланка, Хитой, Бразилия, Ветънам, қисман Австралия, Жанубий Корея, Руминия, Россия Федерацияси каби мамлакатларда жами 520 минг гектар майдонда етиштирлади<sup>1</sup>. Тола ҳосилдорлиги Ҳиндистонда 1,2-6,0 ц/га, Шри-Ланкада 4,4 ц/га, дон ҳосилдорлиги 10-20 ц/га га тенг. Дунё аҳолисини озиқ-овқат, чорвани ем-хашак, енгил саноатни тола хом-ашёси билан таъминлашда кроталарияга бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида кроталарияядан юқори ва сифатли дон, кўк масса ва тола ҳосили етиштиришни тақозо этади.

Дунёда иқлим ўзгариши шароитида дунё аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган талабини қондириш, чорва рационини янада бойитиш ва сифатли тола етиштиришда кроталарияни янги турларини танлаш, парваришлаш агротехникасини ишлаб чиқиши, бўйича кенг кўламдаги илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ноанъанавий дуккакли-дон экин турларидан бири кроталария (*Crotalaria juncea L*) ҳисобланиб, етиштириш агротехнологиялари бўйича илмий тадқиқот ишлари хорижий мамлакатларда XIX аср охирларида бошланган ва ҳозирги кунгача тадқиқотлар давом этиб келмоқда. Шундан келиб чиқиб, ўсимликни экиш муддатдари, кўчкат қалинликлари ва ўғит меъёрлари бўйича илмий изланишлар ўтказиш муҳим аҳамиятга эга.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида оқсил моддасига бой бўлган янги, ноанъанавий дуккакли ва дуккакли-дон экин турларини танлаш, уруғчилигини ташкил этиш, тупроқ иқлим шароитига мос парваришлаш агротехникасини ишлаб чиқиши, тупроқ унумдорлигини оширишдаги ролини илмий асослаш, ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий ишларни кенгайтириш муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги<sup>2</sup> фармонида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш устувор йўналиш деб белгиланган. Республикализнинг турли тупроқ ва иқлим шароитларида кроталариянинг экиш муддатлари, меъёрлари, кўчкат қалинлиги, минерал ўғитлар билан озиқлантириш, суғориш, қатор ораларига ишлов бериш, бегона ўтларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиши бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 мартағи ПҚ-4243-сон “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги ПҚ-106 сон “Қишлоқ

<sup>1</sup><https://www.doc-developpement-durable.org/file/Culture/Culture-fourrages/crotalaria/Sunnhemp>;

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли фармони.

хўжалиги экинлари уруғчилигини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида” ги, 2023 йил 23 ноябрдаги ПФ-199-сон “Республикада яшиллик даражасини янада ошириш, «яшил макон» умуммиллий лойиҳасини изчил амалга ошириш орқали экологик барқарорликни таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарор ва фармонларида “Кроталария (*Crotalaria juncea*) ва бошқа шўрланишга, курғоқчиликка чидамли ўсимликларни интродукция қилиш асосида юқори калорияли озуқа етиширишнинг арzon, ресурстежамкор усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш” вазифалари белгилаб берилган. Бу борада илмий-тадқиқот ишлари кўламини кенгайтириш ва бошқа меъёрий-хукуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

**Тадқиқотниң республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кроталария (*Crotalaria juncea L*) ўсимлигини республикамиз шароитида F.Ёқубов, С.Негматова, М.Нуруллаева, X.Бердиқулов, Л.Ортиқовалар, хорижда M.K.Tripathi, B.Chaudhary, S.K.Sarkar, Singh, R.Bhandari, S. K.Hazra ва бошқа олимлар томонидан турли тупроқ ва иқлим шароитларида мақбул экиш муддатлари, меъёрлари ва уларнинг тизими, минерал ўғит меъёрлари ҳамда сувга бўлган талаби ўрганилиб, ишлаб чиқаришга тавсиялар берилган.

Лекин, кроталария ўсимлигини Тошкент вилоятининг типик бўз тупроклари шароитида экиш меъёри, кўчат қалинлиги ва маъдан ўғит меъёрларига бўлган талабини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етишириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, Алмашлаб экиш ва ғўза вилтига қарши курашиш лабораториясининг «Тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишда қишлоқ хўжалик экинларини алмашлаб ва навбатлаб экиш ҳамда дуккакли-дон экинларни асосий ва такрорий экин сифатида етишириш технологияларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш» мавзусида амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари доирасида бажарилган (2022-2024 йй)

**Тадқиқотниң мақсади** Тошкент вилоятининг типик бўз тупроклари шароитида кроталария (*Crotalaria juncea L.*) ўсимлигидан юқори ва сифатли дон ҳамда пичан ҳосили етиширишда мақбул экиш меъёри, кўчат қалинлиги ва маъдан ўғитлар меъёрини ишлаб чиқищдан иборат.

**Тадқиқотниң вазифалари:**

турли экиш меъёрларида кроталариянинг униб чиқиши ва кўчат қалинлигини аниқлаш;

кроталариянинг ўсиши ва ривожланишига турли экиш меъёрлари, кўчат қалинликлари ва минерал ўғит меъёрлари таъсирини ўрганиш;

кроталариянинг барг сони, юзаси, қуруқ массаси ва фотосинтез соф маҳсулдорлигини ўрганиш;

турли экиш меъёрлари, кўчат қалинлиги ва маъдан ўғитлар меъёрларини кроталариянинг ривожланиш даврларига таъсирини аниқлаш;

турли экиш меъёрлари, кўчат қалинлиги ва маъдан ўғитлар меъёрларини кроталариянинг дон ва пичан ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

кроталария ўсимлиги илдизида ҳосил бўладиган туганак бактерияларини аниқлаш;

дон ва пичан ҳосилини сифат кўрсаткичларини аниқлаш;

турли экиш меъёрлари, кўчат қалинлиги ҳамда маъдан ўғитлар меъёрларини тупроқнинг агрокимёвий ва микробиологик хоссаларига таъсирини ўрганиш;

турли экиш меъёрлари, кўчат қалинлиги ва маъдан ўғитлар меъёрида кроталария етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари, ноанъанавий дуккакли экин кроталария (*Crotalaria juncea L.*) ўсимлиги олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб, типик бўз тупроқлар шароитида кроталария турли экиш меъёрлари, кўчат қалинлиги ҳамда маъдан ўғит меъёрларида парваришланганда уруғларни униб чиқиши, ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши, биомассаси, барг юзаси, фотосинтез соф маҳсулдорлиги, илдиз туганаклари ҳосил қилиши, дон ва пичан ҳосили, сифат кўрсаткичлари, тупроқнинг агрокимёвий, микробиологик хоссалари, иқтисодий самарадорлик ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Лаборатория ва дала тажрибаларини олиб бориш, фенологик кузатувлар, биометрик ўлчовлар, тупроқ ва ўсимлик таҳлилларини “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, “Кроталария (*Crotalaria juncea L.*) ўсимлигига дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, “Методы агрохимических анализов почв и растений”, “Методы почвенной микробиологии и биохимии”, Фотосинтетик соф маҳсулдорликни аниқлаш А.А.Ничипорович усули бўйича, Н.Я.Третьяковнинг “Ўсимликлар физиологиясидан практикум” услублари асосида амалга оширилган. Тажрибаларда олинган натижаларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А. Доспехов услуги бўйича бажарилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

илк бор Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида ноанъанавий дуккакли-дон экини кроталария (*Crotalaria juncea L.*) ни экиш меъёри, мақбул кўчат қалинлиги ҳамда маъдан ўғит меъёрлари аниқланган;

кроталария уруғлари дала шароитида униб чиқиш даражаси гектарига 18 кг ёки 450 минг дона уруғ экилганда 4-5 % ортган бўлса, минерал ўғитлар билан  $N_{120}P_{180}K_{120}$  кг/га меъёрда озиқлантирилганда кўчатлар сақланувчанлиги 0,3-0,6 % ошгани аниқланган;

кроталария уруғи гектарига 18 кг меъёрда экилганда, кўчат қалинлиги 450000 дона бўлганда ва минерал ўғитлар  $N_{120}P_{180}K_{120}$  кг/га қўлланилганда кўчати зич жойлашганлиги ҳисобига экиш меъёри 10 ва 14 кг/га ёки 250000 – 350000 дона

уроф экилганга нисбатан поя баландлиги 15,2-16,3 см баланд бўлиб, экиш меъёри 10-14 кг/га гача камайганда эса қўчат сони мақбуллашиб, ўсиш ва ривожланиши жадаллашган ҳамда ён шохлар сони 3,0-3,4 донага, барглар сони 46,9-76,9 донага қўпроқ шаклланганлиги аниқланган;

кроталария уруғи гектарига 14 кг меъёрда ёки 350000 дона экилиб, маъдан ўғитлар билан  $N_{90} P_{135} K_{90}$  кг/га меъёрида озиқлантирилганда энг юқори 21,2 ц/га дон ҳосили олинган бўлса, ўғитлар меъёрининг  $N_{120} P_{180} K_{120}$  кг/га ортиши эса ҳосилдорликни нисбатан ортишига олиб келмаганлиги аниқланган;

кроталарияни ем-ҳашак учун етиштиришда уруғ экиш меъёри 18 кг/га, қўчат қалинлиги 450000 туп/га бўлиб, минерал ўғитларнинг  $N_{120} P_{180} K_{120}$  кг/га меъёри қўлланилганда 534,7 ц/га кўк масса ёки 173,2 ц/га пичан ҳосили олишга эришилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари.**

Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида ноанъанавий дуккакли-дон экини кроталария уруғи гектарига 14 кг экилганда ва қўчат қалинлиги 350000 туп/га бўлиб, маъдан ўғитлар билан  $N_{90} P_{135} K_{90}$  кг/га меъёрда озиқлантирилганда 21,2 ц/га дон ҳосили олиниб, соф фойда 1084715 сўм, рентабеллик даражаси 107,5% бўлганлиги қайд этилган;

ем ҳашак учун кроталария уруғи 18 кг/га экилиб, гектарига 450000 туп/га қўчат қалинлигига маъдан ўғитлар  $N_{120} P_{180} K_{120}$  кг/га қўлланилганда кўк масса ҳосили 534,7 ц/га, пичан ҳосили 173,2 ц/га ни ташкил этиб, 8374000 сўм соф фойда олинган ва 72,5 % рентабелликка эришилган;

Кроталария гектарига 10 кг меъёрида экилиб, қўчатни 250 минг туп/га қалинликда қолдириб, маъдан ўғитларни  $N_{90} P_{135} K_{90}$  кг меъёрида озиқлантириш ўсимликдан энг юқори микдорда оқсил олишни таъминлаб, донида 39,8 % ни, пичани таркибида 14,8% ни ташкил этганлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Лаборатория ва дала тажрибалари услубларидан фойдаланилган ҳолда олинган маълумотларга математик-статистик ишлов берилиши, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бiriга мос келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиширилганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хуносаларнинг асосланганлиги, илмий ва амалий натижалар мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилганлиги ва изланишлар натижалари амалиётда кенг қўлланилганлиги, тадқиқотлар натижалари республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, диссертация натижалари илмий нашрларда чоп қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида кроталариянинг экиш меъёрлари, турли қўчат қалинлиги ҳамда маъданли ўғит меъёрларида уруғларнинг унувчанлиги, ўсимликни ўсиши, ривожланиши, ер устки кўк ва қуруқ масса тўплаши, ҳосил шаклланишининг биометрик кўрсаткичлари, дон ва пичан ҳосилига ижобий таъсири илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, Тошкент

вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида кроталария дон ва ем-хашак учун етиштирилганда, юқори ва сифатли дон ҳамда пичан ҳосилини таъминлайдиган экиш меъёри, мақбул қўчат қалинлиги ва маъдан ўғитлар меъёрлари аниқланиб, дон ва пичан ҳосили ошгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида кроталариянинг экиш меъёри, қўчат қалинлиги ва маъдан ўғит меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида:

“Тошкент вилояти шароитида кроталария (*Crotalaria juncea L.*) ўсимлигини парваришлашда экиш меъёри, қўчат қалинлиги, маъдан ўғитлар билан озиқлантириш бўйича тавсиянома” тасдиқланган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий марказининг 2025 йил 30-майдаги № 05/01-05/02-05/04-03-225-сонли маълумотномаси). Ушбу тавсиянома бугунги кунда кроталария етиштираётган фермер хўжаликларида қўлланма сифатида фойдаланиб келинмоқда;

Кроталариядан дон ҳосили олиш учун уругини гектарига 14 кг меъёрда экиш ва қўчат сонини 350000 туп/га, маъдан ўғитларни  $N_{90}P_{135}K_{90}$  кг/га меъёрда қўллаш Тошкент вилояти Қибрай тумани, Махмуд-Мурод-Бегзод ф/х да 0,5 га, Жомий Гулсанам агро ф/х да 0,5 га, Қибрай агро барака ф/х да 0,5 га, жами 1,5 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий марказининг 2025 йил 30-майдаги № 05/01-05/02-05/04-03-225-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида, кроталариядан 18,7-19,5 ц/га дон ҳосили олиниб, шартли соғ фойда гектаридан 1050000 сўм, рентабеллик даражаси 98,5 % ни ташкил этган;

Кроталарияни ем-хашак учун етиштиришда уни 18 кг/га меъёрда экиб, 450000 туп/га қўчат қалинлигида парваришлаб, маъдан ўғитларни  $N_{120}P_{180}K_{120}$  кг/га меъёрда қўллаш технологияси Тошкент вилояти, Қибрай тумани Махмуд-Мурод-Бегзод ф/х да 1,0 га, Жомий Гулсанам агро ф/х да 1,2 га, Қибрай агро барака ф/х да 1,2 га, жами 3,4 га майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий марказининг 2025 йил 30-майдаги № 05/01-05/02-05/04-03-225-сонли маълумотномаси). Натижада, кроталариядан 500,0-511,0 ц/га кўк масса ҳосили олиниб, чорвачилик учун ем-хашак базаси яратилган ҳамда гектаридан 7120000 сўм даромад олиниб, рентабеллиги 68,4 % ни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари ҳар йили Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий маркази ҳамда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти томонидан тузилган маҳсус комиссияси томонидан апробациядан ўтказилган ва ижобий баҳоланган, ҳисоботлар институтнинг илмий ва услубий кенгашларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганини.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан, илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда ҳамда 2 та маҳаллий ва 3 та халқаро конференция тўпламларида ва ҳаммуалифликда 1 та NAP 557 рақамли патент, 1 та тавсиянома чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, шунингдек республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши ва аprobацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши, тартиби ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Адабиётлар шарҳи” деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар таҳлили келтирилган бўлиб, дуккакли-дон ва дуккакли экинларни келиб чиқиши, биологиясини ҳамда қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти, мавзу бўйича маҳаллий олимлар томонидан ўтказилган тадқиқотлардан олинган натижалар, биологияси ва парваришилаш агротехникаси, хорижда олиб борилган илмий ишларда асосан унинг биологияси, унда кечадиган физиологик жараёнлар, тола, дори-дармон ишлаб чиқаришдаги, тупроқ унумдорлигини оширишдаги аҳамиятига бағищланган ва таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг “Тажриба ўтказилган худуднинг тупроқ-иқлим шароитлари ва услублари” деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари, йиллик об-ҳаво маълумотлари, тадқиқот услубиёти ва тажриба тизими, ўрганилган ўсимликнинг тавсифи ва тажрибада ўтказилган агротадбирлар бўйича батафсил маълумотлар келтирилган.

Дала тажрибалари ПСУЕАИТИнинг Марказий тажриба участкасида типик бўз тупроқлар шароитида 2022-2024 йилларда ўтказилган. Тадқиқотда тажриба тизими 12 та вариантдан иборат бўлиб, 1-4 вариантларда экиш меъёри гектарига 10 кг, кўчат қалинлиги 250 минг туп, 4-8 вариантларда экиш меъёри 14 кг, кўчат қалинлиги 350 минг туп, 9-12 вариантларда экиш меъёри 18 кг бўлиб, кўчат қалинлиги 450 минг туп, ўғитсиз вариантга нисбатан гектарига  $N_{60}$   $P_{90}$   $K_{60}$ ;  $N_{90}$   $P_{135}$   $K_{90}$  ва  $N_{120}$   $P_{180}$   $K_{120}$  кг маъдан ўғитлар меъёрида олиб борилган.

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтининг марказий тажриба участкаси Тошкент вилоятининг Кибрай туманида, Чирчик дарёсидан 7-8 км узоқликда, Бўзсув каналининг ўнг томонида жойлашган. Ер ости (сизот) сувлари 18-20 метр чуқурликда жойлашган. Тупроғи эскидан сугориладиган типик бўз тупроқ. Типик бўз тупроқларда чиринди миқдори 1,2-1,5% ни, азот 0,08-0,1% ни, фосфор 0,15-0,2% ни ташкил этади.

Ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ва хосилдорлигига об-ҳаво

шароитлари, яъни ёғингарчилик миқдори, ҳаво ҳарорати ва тупроқ муҳити бевосита ўз таъсирини кўрсатади. Шунинг учун ҳам ушбу бобда иқлим ва тупроқ шароитлари келтирилган бўлиб, бу ўсимликнинг ўсиш даврида агротехник тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва унумли олиб боришга хизмат қиласи. Шунингдек, тупроқнинг микробиологияси ва агрокимёвий таркибини ўрганиш ва вегетация даврида фенологик кузатувларни тўғри олиб бориш, кроталарияни ўғитлаш ва экиш меъёrlарини сифатли ўтказиш мақсадида уни тупроқ ва ҳаво ҳарорати етарлича бўлганда экиш, ўғитларнинг (азот) йиллик меъёрини ўсимликнинг чин барг чиқариш фазасида 60 %, шоналаш-гуллаш фазасида 40 % ни бериш тавсия этилади. Чунки, бу даврда ўсимликни азотга бўлган эҳтиёжи юқори бўлади, бу эса ўз навбатида дала ишларининг сифатли олиб борилишига хизмат қиласи.

Барча фенологик кузатишлар, биометрик ўлчовлар ва ҳосилдорликни аниқлаш «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», тупроқнинг агрокимёвий таҳлиллари «Методы агрохимических анализов почв и растений», тупроқнинг микробиологик таҳлиллари эса Д.Г.Звягинцевнинг “Методы почвенной микробиологии и биохимии”, ўсимликни барг юза майдони А.А.Ничипорович усулида, тажрибанинг иқтисодий самарадорлиги «Методика определения экономический эффективности использования в сельском хозяйстве результатов научно-исследовательских и опытно-конструкторских работ, новой технологии, изобретательских предложений» қўлланмаларидан фойдаланилди. Олинган маълумотлар Б.А.Доспеховнинг кўп омилии услуби ёрдамида математик ишловдан ўтказилди.

**Диссертациянинг “Экиш меъёри, кўчат қалинлиги ва маъдан ўғитларнинг кроталарияни ўсиши, ривожланиши ва дон ҳосилдорлигига таъсири”** деб номланган учинчи бобида тадқиқот ўтказилган йилларда кроталариянинг униб чиқиши ва кўчат қалинлиги, фенологик кузатувлар, фотосинтез соғ маҳсулдорлиги, фойдали ҳароратлар йиғиндиси, дон ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичлари, илдизда туганак бактерияларни ҳосил бўлиши, тупроқнинг агрокимёвий ва микробиологик хоссаларига таъсири хақида баён қилинган.

Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида кроталария уруғларининг униб чиқиши экиш меъёри гектарига 10 кг.дан 14 кг га оширилганда униб чиқиш даражаси 2-3% га, 18 кг га оширилганда эса 4-5% га кўп бўлиб, бунга ўғитлар меъёри сезиларли даражада таъсир кўрсатмаганлиги, экиш меъёри 10 кг/га нисбатан, гектарига 14 кг экилганда ўсимликларни нобуд бўлиши 0,2-0,6% ни, 18 кг.га оширилганда эса 0,5-1,2% ни ташкил этган. Маъдан ўғитлар меъёри  $N_{60} P_{90} K_{60}$  кг/гадан  $N_{90} P_{135} K_{90}$  кг/гага оширилганда кўчатларни сақлаб қолиниши 0,1 % дан 0,3 % гача,  $N_{120} P_{180} K_{120}$  кг/гага оширилганда эса 0,3 % дан 0,6 % гача бўлган (1-жадвал). Шунингдек, кроталарияда экиш меъёри 10 кг.га нисбатан 14 кг.га оширилганда ўсимлик бўйининг баландлиги 4,9 см дан 10,7 см гача, 18 кг.га оширилганда эса 14,6 см дан 24,7 см гача, назоратга нисбатан маъдан ўғитлар меъёрини  $N_{60} P_{90} K_{60}$  кг/гадан  $N_{120} P_{180} K_{120}$  кг/га оширилиши поя баландлигини 15,7 см.дан 39,0 см.гача баланд бўлиши кузатилган. Экиш меъёри 10 кг/га дан 14 кг/га га

оширилганда ён шохлар сони 0,6-1,8 донага, барглар сони 14,7-46,9 донага, 18 кг/га оширилганда эса ён шохлар сони 3,5-4,9 донага, барглар сони эса 44,2-76,9 донага кам бўлган, шунингдек, маъдан ўғитлар меъёрини  $N_{60} P_{90} K_{60}$  кг/га дан  $N_{120} P_{180} K_{120}$  кг/га га оширилиши назоратга нисбатан ён шохлар сонини 17,2 донадан 19,0 донагача, барглар сонини эса 260,6 донадан 315,3 донагача қўп бўлишини таъминлаган.

Тажрибада турли экиш ва қўчат қалинлиги ҳамда маъдан ўғит меъёрларини қўллаган холда варианларда барг сатҳи майдони ва фотосинтез маҳсулдорлигига таъсири ўрганилган.

### 1-жадвал

#### Кроталариянинг амал даври боши ва охирида қўчат қалинлиги (2023 й)

Вар. рак.	Экиш меъёрлари, кг/га	Кўчат қалинлиги, минг туп/га	Маъдан ўғитлар меъёри, кг/га	Кўчат қалинлиги, минг туп/га		Кўчат-нинг сақла ниши, %	Кўчат-нинг нобуд бўлиши %
				амал даври боши	амал даври охири		
1	10	250	Ўғитсиз	218750	204093	93,3	6,7
2			$N_{60} P_{90} K_{60}$	219500	205671	93,7	6,3
3			$N_{90} P_{135} K_{90}$	220000	206800	94,0	6,0
4			$N_{120} P_{180} K_{120}$	220000	207460	94,3	5,7
5	14	350	Ўғитсиз	311050	289587	93,1	6,9
6			$N_{60} P_{90} K_{60}$	316400	298466	93,3	6,7
7			$N_{90} P_{135} K_{90}$	317450	296498	93,4	6,6
8			$N_{120} P_{180} K_{120}$	315700	296442	93,9	6,1
9	18	450	Ўғитсиз	416250	385447	92,6	7,4
10			$N_{60} P_{90} K_{60}$	417150	387115	92,8	7,2
11			$N_{90} P_{135} K_{90}$	418500	388786	92,9	7,1
12			$N_{120} P_{180} K_{120}$	418950	390042	93,1	6,9

Кроталария 10 кг/га меъёрда, 250 минг туп қўчат қалинлигига экилганга нисбатан гектарига 14 кг, 350 минг туп қўчат қалинлигига экилганда битта ўсимликдаги барг юза майдони  $78,3-224,1 \text{ см}^2$  га, гектарига 18 кг, 450 минг туп қўчат қалинлигига эса  $201,2-327,2 \text{ см}^2$  га кам, бир гектар майдондаги барг юза майдони эса аксинча, гектарига 10 кг меъёрда экилганга нисбатан гектарига 14 кг экилганда бир гектар майдондаги барг юза майдони  $5309,2-8263,0 \text{ м}^2$  га, гектарига 18 кг меъёрда экилганда эса  $11284,6-14277,0 \text{ м}^2$  га қўп бўлган. Шунингдек, маъдан ўғитларни энг кичик меъёри  $N_{60} P_{90} K_{60}$  кг/га қўлланилганда барг юза майдони назоратга нисбатан  $151,3 \text{ см}^2$ , маъдан ўғитларни  $N_{90} P_{135} K_{90}$  кг/га меъёри қўлланилганда  $294,7 \text{ см}^2$ , маъдан ўғитларни юқори меъёри  $N_{120} P_{180} K_{120}$  кг/га меъёри қўлланилганда эса  $386,0 \text{ см}^2$  юқори, гектарига 10 кг экилган, 250 минг туп қўчат қалинлигидаги варианларда мос равища 21435,5; 24707,2; 27809,4; 29790,5  $\text{м}^2$ ни ташкил этиб, назоратга нисбатан 3276,7; 6378,9; 8360,0  $\text{м}^2$  га қўп бўлган.

Маълумки, ўсимлик далада қанчалик сийрак бўлса, унинг ўсиб

ривожланиши меъёрида бўлиб, юқори миқдорга эга бўлган масса тўплашга эришилади. Ушбу қонунийт мазкур тажрибада ҳам ўз исботини топган. Ўсимликни фотосинтетик потенциали бўйича олинган маълумотларга кўра, экиш меъёри қанчалик кам миқдорда бўлса, бир туп ўсимликдаги баргларнинг фотосинтетик потенциали шунчалик юқори бўлиши аниқланган. Кроталария гектарига 10 кг яни 250 минг туп кўчат қалинлигидаги 1, 2, 3, 4-вариантларда мазкур кўрсаткич мос равища 32979,2; 35736,6; 38609,1; 40332,3 см<sup>2</sup>ни ташкил этган бўлса, гектарига 14 кг, 350 минг туп кўчат қалинлигидаги 5, 6, 7, 8-вариантларда бироз камроқ, яъни 30382,3; 34268,2; 36258,6; 36400,1 см<sup>2</sup>ни ташкил этиб, 10 кг/га экилганга нисбатан 1468,4-3932,7 см<sup>2</sup>га кам, гектарига 18 кг, 450 минг туп кўят қалинлигидаги варианtlарда эса мазкур кўрсаткич янада ҳам кам, яъни 3058,2-5993,8 см<sup>2</sup> га кам бўлганлиги аниқланган. Хулоса сифатида ўсимликда экиш меъёrlарини 10 кг/гадан 18 кг/га.ча оширилиши бир туп ўсимликдаги баргларнинг фотосинтетик потенциалини 1470 см<sup>2</sup>дан 5995 см<sup>2</sup>гача камайиши келтирилган.

Ўсимликнинг фотосинтетик соф маҳсулдорлиги бўйича олинган маълумотлар ўсимликда кўчат қалинлиги қанчалик тифиз, яъни зич жойлашса, унинг фотосинтетик соф маҳсулдорлигини юқори бўлиши тўғрисида маълумотлар келтирилган. Маълумотларга кўра, тажрибада энг юқори даражадаги кўрсаткич тажрибанинг экиш меъёри 18 кг/га, 450 минг туп кўчат қалинлигига, маъдан ўғитлар меъёри N<sub>90</sub> P<sub>135</sub> K<sub>90</sub> кг/га бўлган 11-вариантида аниқланиб, 10,3 г/м<sup>2</sup> кунни ташкил этган. Кейинги кўрсаткич худди шу экиш меъёрида маъдан ўғитларни N<sub>120</sub> P<sub>180</sub> K<sub>120</sub> кг/га меъёри қўлланилган 12-вариантда аниқланиб, 9,5 г/м<sup>2</sup> кун бўлганлиги аниқланган. Бу кўрсаткичлар худди шу маъдан ўғитлар меъёрида экиш меъёри 10 кг/га, 250 минг туп кўчат қалинлигидаги вариант кўрсаткичларидан мос равища 0,9; 0,2 г/м<sup>2</sup> кунга, 14 кг/га меъёрда экилган, 350 минг туп кўчат қалинлигига парвариш қилинган вариант кўрсаткичларидан 1,0; 0,4 г/м<sup>2</sup> кунга юқори бўлган. Демак, кроталарияда экиш меъёрини гектарига 18 кг ҳисобида белгилаш гектарига 10 ва 14 кг/га меъёrlарда экилганга нисбатан фотосинтетик соф маҳсулдорлиги бир кунда 0,2 г/м<sup>2</sup> дан 1,0 г/м<sup>2</sup> гача юқори бўлиши аниқланган. Шунингдек, маъдан ўғитларнинг таъсири бўйича олинган маълумотлар эса ўсимликни парваришлашда маъдан ўғитларни N<sub>90</sub> P<sub>135</sub> K<sub>90</sub> кг/га меъёрини берилиши ижобий натижаларни намоён этган. Маълумотларга кўра, учала экиш меъёрида ҳам энг юқори кўрсаткичлар маъдан ўғитларни N<sub>90</sub> P<sub>135</sub> K<sub>90</sub> кг/га меъёри қўлланилган варианtlарда кузатилиб, мазкур кўрсаткичлар мос равища 9,4; 9,3; 10,3 г/м<sup>2</sup> кунни ташкил этган. Бу эса назорат вариант кўрсаткичларидан 1,2-1,9 г/м<sup>2</sup> кун, маъдан ўғитларни N<sub>60</sub> P<sub>90</sub> K<sub>60</sub> кг/га меъёридан 0,8-1,3 г/м<sup>2</sup> кун, N<sub>120</sub> P<sub>180</sub> K<sub>120</sub> кг/га меъёридан эса 0,2-0,8 г/м<sup>2</sup> кун юқори бўлган.

Экиш ва маъдан ўғит меъёrlарини ўсимликнинг шонаси ва гуллари сонига бўлган таъсири бўйича олинган маълумотларга кўра, экиш меъёrlарини камайиши билан бир туп ўсимликда шона ва гуллари сонини ошиб боришига сабаб бўлган. Тажрибада бир туп ўсимликдаги энг кўп шона ва гуллар сони ўсимликни гектарига 10 кг, 250 минг туп кўчат қалинлигига экилган вариантларда аниқланган. Кроталария гектарига 10 кг меъёрда экилганда бир

туп ўсимлиқдаги шона ва гуллар сони гектарига 14 кг әкилганга нисбатан шоналар сони 0,3-2,4 донага, гуллар сони 0,4-2,5 донага, дуккаклар сони 8,0-9,0 донага, пишган дуккаклар эса 6-7 % га, гектарига 18 кг меъёрда әкилганга нисбатан эса шоналар 2,5-3,4, гуллар сони эса 3,4-4,4 донага, дуккаклар сони 16,0-21,0 донага, пишган дуккаклар сони 14-15 % га кўп бўлган. Маъдан ўғит меъёрларини  $N_{60} P_{90} K_{60}$  кг/га меъёрда берилиши назоратга нисбатан дуккаклар сонини 12,0-13,0 донага,  $N_{90} P_{135} K_{90}$  кг/га меъёри берилганда 17-19 донага,  $N_{120} P_{180} K_{120}$  кг/га меъёри берилганда эса 17-19 донага кўп, аксинча, пишган дуккакларни энг юқори даражаси ўғитсиз варианта аниқланиб, маъдан ўғит меъёрини  $N_{120} P_{180} K_{120}$  кг/га.дан  $N_{60} P_{90} K_{60}$  кг/га.га камайтирилиши пишган дуккаклар сонини 5,0 % дан 11,0 % га кўп бўлган.

## 2-жадвал

### Экиш меъёри, кўчат қалинлиги ҳамда маъдан ўғит меъёрларининг бир туп ўсимлиқдаги дуккаклар сонига таъсири м (2023 й)

Вар. рак.	Экиш меъёрлари, кг/га	Кўчат қалинлиги, минг туп/га	Маъдан ўғитлар меъёри, кг/га	Дуккаклар сони, дона					
				01.07	01.08	01.09	01.10	Пишгани, дона /фоиз	Пишмагани, дона/фоиз
1	10	250	Ўғитсиз	15,2	27,1	39,6	41	35/86	6/14
2			$N_{60} P_{90} K_{60}$	19,7	34,0	43,9	53	43/81	10/19
3			$N_{90} P_{135} K_{90}$	22,0	38,3	47,2	59	46/78	13/22
4			$N_{120} P_{180} K_{120}$	23,7	39,6	51,2	58	44/75	14/25
5	14	350	Ўғитсиз	15,0	22,2	29,9	32	25/79	7/21
6			$N_{60} P_{90} K_{60}$	20,5	32,0	40,7	45	34/75	11/25
7			$N_{90} P_{135} K_{90}$	20,1	36,2	46,0	51	37/72	14/28
8			$N_{120} P_{180} K_{120}$	23,0	36,0	47,8	51	35/69	16/31
9	18	450	Ўғитсиз	14,8	19,0	22,9	25	18/71	7/29
10			$N_{60} P_{90} K_{60}$	17,8	23,4	29,9	32	20/67	12/33
11			$N_{90} P_{135} K_{90}$	20,6	32,8	38,5	42	27/64	15/36
12			$N_{120} P_{180} K_{120}$	20,9	31,0	38,7	43	26/61	17/39

Битта дуккақдаги дон сони, массаси, бир туп ўсимлиқдаги дон массасига оид олинган маълумотларни кўрсатишича, экиш меъёрини ошириб бориш кроталарияда битта дуккақдаги дон сони, массаси ва бир туп ўсимлиқдаги дон массасини камайиб боришига сабаб бўлган. Уруғларни гектарига 10 кг меъёрда экилиб, 250 минг туп кўчатда парваришланиши 1000 дона дон массасини 14 кг, 350 минг туп кўчат қалинлигидагига нисбатан 0,4-0,5 г.га, 18 кг, 450 минг туп кўчат қалинлигидагига нисбатан 1,6-2,0 г.га оғир бўлишини таъминлаган. Кроталария парваришида маъдан ўғит меъёрларини  $N_{60} P_{90} K_{60}$  кг/га меъёрда қўлланилганда назоратга нисбатан 1000 дона дон массасини 0,8-0,9 г.га,  $N_{90} P_{135} K_{90}$  кг/га меъёрда қўлланилганда 1,1-1,8 г.га,  $N_{120} P_{180} K_{120}$  кг/га меъёрда қўлланилганда эса 0,8-1,1 г.га юқори бўлганлиги аниқланган. Шунингдек, кўчат сонини гектарига 10 кг меъёрга нисбатан 14 кг меъёрда экилиши битта дуккақдаги дон сонини 0,4-0,5 донага, массасини 0,02-0,03 г.га, бир туп ўсимлиқдаги дон массасини 0,5-2,6 г.га, гектарига 18 кг меъёрда экилиши эса мос равища 0,2-1,0 дона; 0,3-0,04 г; 2,2-4,4 г.га кам бўлишига олиб келган.

Маъдан ўғитларни  $N_{60} P_{90} K_{60}$  кг/га меъёри қўлланилганда назоратга нисбатан дон сони 0,3-0,8 донага, массаси 0,03-0,04 г.га, бир туп ўсимликдаги дон массаси 0,9-3,1 г.га, ўғитларни  $N_{90} P_{135} K_{90}$  кг/га меъёри қўлланилганда мос равища 0,5-1,0, донага, массаси 0,2-0,04 г.га, бир ўсимликдаги дон массаси 2,2-4,6 г.га, маъдан ўғитларни  $N_{120} P_{180} K_{120}$  кг/га меъёри қўлланилганда эса бу кўрсаткичлар дон сони 0,2-1,0 донага, массаси 0,01-0,03 г.га, бир туп ўсимликдаги дон массаси 2,5-3,1 г.га кўп бўлишига олиб келган (2-жадвал).

Кроталария гектарига 10 кг экилиб, кўчат қалинлиги 250 минг туп бўлганда гектарига 14 ва 18 кг меъёрларда экилган, кўчат қалинлиги 350 ва 450 минг туп бўлганга нисбатан мос равища 4-5; 6-7 кун эрта пишиб етилиб, нисбатан 18-34; 25-45°C микдорида фойдали ҳароратни кам талаб қилган бўлса, маъдан ўғитларни  $N_{60} P_{90} K_{60}$  кг/га меъёри берилганда эса назоратга нисбатан ўсимликни тўлиқ пишиши 4-5 кунга,  $N_{90} P_{135} K_{90}$  кг/га меъёри берилганда 6-10 кунга,  $N_{120} P_{180} K_{120}$  кг/га меъёр берилганда эса 7-11 кунга кечикиб, ўртacha 40-65°C микдорида қўшимча фойдали ҳароратни талаб қилганлиги аниқланган.

Кроталариянинг дон ҳосилига экиш меъёрлари ва маъдан ўғит меъёрларининг бевосита таъсири бўйича олинган маълумотларга кўра, тажрибада энг юқори дон ҳосилдорлиги кроталария гектарига 14 кг меъёрда экилиб, 350 минг туп кўчат қалинлигига, маъдан ўғитларни  $N_{90} P_{135} K_{90}$  ва  $N_{120} P_{180} K_{120}$  кг/га меъёрлари берилиб, парвариш қилинган 7 ва 8-вариантларда аниқланган. Бунда дон ҳосилдорлиги уч йилда мос равища ўртacha 21,2; 21,3 ц/гани ташкил этиб, экиш меъёрига нисбатан 1,2-2,2 ц/га, маъдан ўғит меъёрига нисбатан 9,5-9,6 ц/га микдорида қўшимча дон ҳосили олишни таъминлаган (3-жадвал).

### 3-жадвал


#### Экиш меъёрлари, кўчат қалинлиги ва маъдан ўғит меъёрларининг кротоляриянинг дон ҳосилдорлигига таъсири

Вар. рак.	Экиш меъёри, кг/га	Кўчат қалин- лиги, минг туп/га	Маъдан ўғитлар меъёри, кг/га	Дон ҳосили, ц/га				Қўшимча ҳосил, ц/га	
				2022 й	2023 й	2024 й	ўрта- ча	экиш меъёрига нисбатан	ўғит меъёрига нисбатан
1	10	250	Ўғитсиз	12,6	9,7	9,3	10,5	-	-
2			$N_{60} P_{90} K_{60}$	17,6	16,2	16,0	16,6	-	6,1
3			$N_{90} P_{135} K_{90}$	19,7	19,4	18,4	19,1	-	8,6
4			$N_{120} P_{180} K_{120}$	20,7	19,0	18,7	19,4	-	8,9
5	14	350	Ўғитсиз	13,7	10,7	10,9	11,7	1,2	-
6			$N_{60} P_{90} K_{60}$	19,2	17,3	17,0	17,8	1,2	6,1
7			$N_{90} P_{135} K_{90}$	21,4	20,7	21,7	21,2	2,1	9,5
8			$N_{120} P_{180} K_{120}$	21,9	20,1	22,0	21,3	1,9	9,6
9	18	450	Ўғитсиз	12,4	10,0	10,5	10,9	0,4	-
10			$N_{60} P_{90} K_{60}$	16,4	13,5	13,2	14,3	-2,3	3,4
11			$N_{90} P_{135} K_{90}$	20,3	18,8	17,7	18,9	-0,2	8,0
12			$N_{120} P_{180} K_{120}$	20,9	19,1	20,5	20,1	0,7	9,2

$$\begin{array}{cccc}
 \text{Йил} & 2022 \text{ й} & 2023 \text{ й} & 2024 \text{ й} \\
 \mathcal{E}K\Phi_{05}= & 1,30 \text{ и} & S_X=6,6\% & 1,11 \text{ и} & S_X=5,7\% & 0,28 \text{ и} & S_X=1,5\% \\
 \mathcal{E}K\Phi_{05}(A)= & 0,75 \text{ и} & S_X=4,1\% & 0,64 \text{ и} & S_X=4,0\% & 0,16 \text{ и} & S_X=1,0\% \\
 \mathcal{E}K\Phi_{05}(B)= & 0,65 \text{ и} & S_X=3,6\% & 0,56 \text{ и} & S_X=3,4\% & 0,14 \text{ и} & S_X=0,9\%
 \end{array}$$

Дуккакли-дон ўсимликлари донида бошоқли ўсимликларниң қараганда 2-3 баравар күп оқсил бўлади. Доннинг сифат кўрсаткичлари бўйича олинган маълумотларга кўра, кратолария гектарига 10 кг меъёрда экилган, 250 минг туп кўчат қалинлигига парваришиланганда дондаги азот ва оқсил миқдорлари 14 кг, 350 минг туп кўчат қалинлигига нисбатан мос равища 0,72-1,77; 0,7-0,8 % га, 18 кг экилган, 450 минг тупга нисбатан эса 1,96-2,83; 0,6-1,5 % га юқори бўлган. Маъдан ўғитлар меъёрини  $N_{60} P_{90} K_{60}$  кг/га дан  $N_{90} P_{135} K_{90}$  кг/га га оширилиши дондаги азот миқдорини 0,06-0,09 % га,  $N_{120} P_{180} K_{120}$  кг/га меъёрга оширилиши эса 0,10-0,14 % га юқори бўлишини таъминлаган бўлса, оқсил миқдорини 0,1-0,2 %га камайтирган. Кроталария донида мой миқдорини нисбатан юқори бўлиши (38,9 %) учун экиш меъёрини гектарига 14 кг меъёрда белгилаш, 350 минг туп қалинлигига парваришилаш ҳамда маъдан ўғитларни  $N_{120} P_{180} K_{120}$  меъёрини қўллаш юқори натижа бериши аниқланган (1-расм).

Кроталария илдизлари туганак бактериялари билан бирга симбиоз ҳолатда яшаб, атмосферадаги эркин азотни ўзлаштириш қобилиятига эга.



**1-расм. Кроталария (*crotalaria juncea*) доннинг биокимёвий таркибига экиш меъёри, кўчат қалинлиги ва маъдан ўғит меъёларининг таъсири (2023).**

